

Жиззах Вилояти

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖИЗЗАХ ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ

“Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти таркибидagi Жиззах цемент заводи худуддаги етакчи ишлаб чиқариш корхоналаридан бири саналади. 2014 йилнинг март ойида ишга туширилган Жиззах цемент заводи йилига 350 минг тонна ок, 760 минг тонна портланд (кулранг) цемент ишлаб чиқариш қувватига эга.



Асосан биноларнинг ташқи қисмини пардозлаш учун ишлатиладиган оқ цемент кам учраши, ранги, сифати ва мустаҳкамлиги билан ноёб маҳсулот сифатида қадрланади. Эътиборлиси, бундай цемент Марказий Осиёда фақат Жиззахда тайёрланади. Заводда қўлланилаётган технология халқаро меъёрларга тўла мос.

Жумладан, энергия сарфи жуда кам. Энг муҳими, ушбу корхона чиқитсиз ишлайди. Хатто, цементдан

кўтарилган чанг филтрларда 100 фоиз тутиб қолинади ва маҳсулотга айлантиради. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айнан цемент чанги бу турдаги энг сифатли қурилиш материали саналади. Қолаверса, корхона асосий хомашё қазиб олинадиган коннинг ёнгинасида барпо этилган. Жумладан, маҳсулот хомашёсининг 70-75 фоизини ташкил этадиган оҳактош конидан корхонага бўлган масофа 2,5 километрни ташкил этади. Соз тупрок

8, ганч эса 25 километр узоқликдағи кондан олиб келинади.

Таркибда металл бўлган саноат қолдиғи – кул ҳамда каолин Тошкент вилоятидан келтирилди. Шунингдек, кварц куми Навоийдан, гипс Бухородан олинади. Худудга темир йўл тармоғининг тортилганлиги айрим хомашё турларини келтириш ва тайёр маҳсулотни манзилига етказиб беришда қулайлик туғдирмоқда. Буларнинг ҳаммаси, таби-



ийки, маҳсулот таннархини арзонлаштириш имконини беради. – 700 нафардан ортик ишчи-ходим фаолият кўрсатаётган корхонамизда ўтган йили 510 минг 385 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди, – дейди Жиззах цемент заводининг режалаштириш ва иқтисод бўлими бошлиғи Сирожиддин Қоржовов. – Яъни йил бошидаги мўлжалимиздан 110 минг 385 тонна кўп цемент тайёрланди. Жумладан, портландцементнинг 400- ва 500-, оқ цемент-

нинг 600- маркалари ишлаб чиқариш имконини беради. Маҳсулотни мижоз истаган оғирликда қадоқлаш имкониятига эгамиз. 2015 йилда беш ярим минг тонна оқ, ўн минг тонна портландцемент экспорт қилинди. Корхонамиз ишга тушгунга қадар оқ цемент хориждан келтирилар эди. Бу йил 650 минг тонна маҳсулотимизни экспортга чиқаришни режалаштирялмиз. Шундан 25 минг тоннаси оқ цемент бўлиши кутилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Фарғона Вилояти

Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ҚОНУН ЛОЙИХАСИ КЕНГ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси аъзолари, вилоят Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, Ирригация, Ветеринария, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда бошқа алоқадор инспекция ва ташкилотлар вакиллари, илғор фермерлар қатнашдилар.

Тадбирда Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз аграр тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон омилига қаратилгани, улар ижроси билан боғлиқ ишлар халқимиз фаровонлиги, дастурхонларимиз тўқинлигини таъминлашга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, юртимизда қулай меҳнат шaroитларини яратиш, меҳнатнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида давлат томонидан қўриалаётган чора-тадбирлар аҳолининг ушбу соҳага доир ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилаётгани ҳам айтиб ўтилди. Қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти, унга киритилаётган муҳим янгиликлар атрофида қўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, айни пайтда барча соҳаларда рўй бераётган ўзгаришлар, меҳнат бозоридagi янгиликлар тизимнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаш-

тиришни тақозо этади. Шу нуктаи назардан олиб қараганда, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши меҳнатқашлар манфаатларини таъминлаш, ходимларга етарли шарoит яратиш ҳамда меҳнат қонунчилиги талаблари бузилишининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Тадбир давомида Қонун лойиҳасини маромига етказиш, уни ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштириш юзасидан ишлорқчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар қизгин муҳокама қилинди.

Шунингдек, тадбирда янги таҳрирдаги “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳияти, эски таҳрирдан афзаллиги ва фарқи жиҳатларини унга киритилган 10 дан ортик янги моддалар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Қонун лойиҳаси муҳокамаси юзасидан Қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди, “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини жойларда кенг тарғиб этиш бўйича таклифлар билдирилди.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” муҳбири.

Навоий Вилояти

СПОРТГА ДЎСТ ТУТИНГАН АВЛОД

ФИКРИ ТЕРАН, РУҲИ ТЕТИК, ЖИСМОНАН ВА МАЪНАН БАҚУВВАТ БЎЛИБ УЛҒАЙМОҚДА

Президентимиз раислигида 11 февраль куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилган аниқ мақсадли ишлар натижасида фарзандларимиз болаликдан спортни ўзининг доимий ҳамроҳи деб билмоқда, умрбод спорт билан дўст бўлиб қолмоқда.

Навоийлик 13 яшар Илҳом Фармонов спортнинг эркин кураш тури бўйича 2015 йилда Туркиянинг Баликесир шаҳрида ўтказилган халқаро биринчиликда голибликни қўлга киритиб, мамлакатимиз байроғини баланд кўтариш шарафига мўяссар бўлди. Албатта, спортда Илҳомжон эришган ютуқлар тасодиф эмас. Сабаби, истиқлолга эришганимизнинг дастлабки йиллари-

дан Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортга давлат миқёсида эътибор берилди. Биргина Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг ташкил этилгани сўзимиз исботидир.

Айтиш жоизки, бугун республикаимизнинг барча худудларида бўлгани каби ушбу жамғарма маблаглари ҳисобидан Навоий вилоятида ҳам янги

БОЛАЛАР СПОРТИ

болалар спорт объеклари қурилмоқда, мавжудлари эса замон талаблари даражасида таъмирланаётди. Улар энг сўнгги спорт инвентарлари билан жиҳозланмоқда. Бу, нафақат таълим муассасалари моддий-техника базасининг мустаҳкамлашишига, балки ёш авлод вакиллариининг жисмонан бақувват, руҳан тетик, ақлан теран бўлиб вояга етишишда замин яратмоқда. Шу боисдан, бугун яратилаётган шароит, берилаётган имкониятлар ёшларимизнинг спортга бўлган қизиқишини уйғотишда ҳамда улар ўртасида омаллашувига сабаб бўлаётди. Тан олиш керакки, спорт ҳозирда нафақат шаҳар, балки қишлоқ ёшларининг ҳам ҳаёт тарзининг бир қисмига айланиб бормоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ИНВЕСТИЦИЯ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА КАФОЛАТ

Бугун дунёнинг бир қатор мамлакатларида ҳўкм сўраётган ижтимоий-иқтисодий беқарорлик, табиатга, ерга бўлган эътиборсизликлар тўғрисида озик-овқат тақчиллиги тобора кескин тўс олаётди. Бу эса одамларнинг эртанги кунга бўлган умидини сўндирмоқда. очлик, қашшоқликка кенгроқ йўл очмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда узоқни кўзлаб, ҳар томонлама пишиқ, пухта ўйланган режа асосида илчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижасида турмушимиз фаровон, бозорларимиз тўқин-сочин, дастурхонларимиз ўзимизда етиштирилган ноз-неъматларга тўла. Энг муҳими, яшашимизда ҳаловат бор. Эртанги кунга бўлган ишончимиз мустаҳкам. Ўзимиз танлаган мустақил тараққиёт йўлимиздан дадил оқимлаб бораёпмиз. Қанчадан қанча Давлат дастурлари, йирик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, ижроси изчил таъминланаяпти. Юр-

тимиздаги қулай, жозибador инвестиция муҳити эса кўплаб халқаро ташкилотлар, нуфузли молия муассасалари эътиборини жалб этишмоқда. Хорижий ҳамкорларимиз сафи йилдан-йилга кенгайиб бораёпти. Бу, албатта, мамлакатимизда кўплаб замонавий технологиялар асосидаги ишлаб чиқаришларнинг барпо этилганидан далолат беради.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига ба-

ғишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қайд этилганидек, жорий йилда иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш, модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш учун 17 миллиард 300 миллион доллар қийматидаги инвестициялар йўналтириш, уларнинг ўсиш суръатини 109,3 фоизга етказиш белгиланган бўлиб, ана шу инвестицияларнинг 4 миллиард доллардан ортигини хорижий инвестициялар ташкил қилади. Бу ўтган йилга нисбатан 20,8 фоиз кўп демакдир.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида эришилаётган улкан муваффақиятларимизда ҳам чет эл инвестициялари муҳим ўрин тутмоқда. Аграр тармоқда самарадорликни янада ошириш, соҳага хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш ҳисобига аҳоли бандлиги ва тур-



Хоразм Вилояти

МОДЕРНИЗАЦИЯ САМАРАСИ

“Боготдон” акциядорлик жамиятининг ун тегирмони модернизация қилиниб, замонавий технологиялари асосида қайта жиҳозланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида маҳсулот сифати яхшиланди, янги иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш қувватлари ошди. Авваллари 1 тонна ун ишлаб чиқариш учун 85 киловатт соат электр энергияси сарфланган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич 65 киловатт соатни ташкил қилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватлари ҳам бир кеча-кундузда 60 тоннадан 90 тоннага ошди. Усуналарнинг барчаси янги, замонавий технологиялар асосида ишлайди ва барча жараёнлар тўла автоматлаштирилган. Бунинг самараси иш унумдорлиги ошиши, тежамкорликка эришишда кўзга ташланмоқда. Ун тегирмонининг аввалги ҳолатида 1200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун 17 миллион сўм харажат қилинган бўлса, бугунга келиб бу рақам 13 миллион сўмни ташкил қилмоқда.

Яна бир томони – эски тегирмонни ҳар ойда эҳтиёт қисилар билан таъминлаш ҳамда жорий таъмирлаш учун йил давомида сарфланадиган харажатлар анчага қискарди. Меҳнат унумдорлиги 10-12 фоизга ошиб, маҳсулот сифати яхшиланди. Ана шулар ҳисобига корхонада иқтисодий самарадорлигининг йилига 90 миллион сўмдан ошиши кўзланмоқда.

Холмурод ҚУРБОНОВ

Бухоро Вилояти

БУНЁДКОРЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

Вобкент туманида яна бир янги тадбиркорлик субъекти – “Блок қурилиш сервис” масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Ўтган бир ой мобайлида бу ерда 10 минг донадан ортик шлокаблок ишлаб чиқаришга эришилди.

Тадбиркор Акмал Икромовнинг таъкидлашича, хориждан келтирилган технология тўла қувват билан иш бошласа, маҳсулот тури ҳам, иш ўринлари сони ҳам яна ортади. Технология ускуналарнинг сифат кўрсаткичлари юқорилиги боис, корхонанинг маҳсулотларида ҳозирда талаб ортиб бормоқда.

Айни кунда хориждан келтирилган ускуналарни 5 нафар коллежни тамомлаган ёшлар маҳорат билан бошқариб келишмоқда.

Ҳамроз АЛИ

Анҳиқон Вилояти

УСТАХОНАДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Булоқбоши тумани Майариқ қишлоғида тадбиркор Зафарбек Акбаров компьютер технологияси ёрдамида ёғочга қайта ишлов бериш ҳамда гул солишни йўлга қўйди.

Унинг устахонасида айни вақтда “Хамкорбанк”нинг 40 миллион сўмлик кредити эвазига Хитойдан келтирилган ускуналар ёрдамида жиҳозларга турли гул ва нақшлар солинмоқда.

– Ўн йилдирки мебелсозлик билан шуғулланаман, – дейди Зафарбек Акбаров. – Тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор фаолиятимизни замон талаблари асосида ташкил этишга, соҳа янгиликларини ўзлаштиришга асос бўлмоқда.

Айни пайтда Зафарбек шоғирдлари Жасурбек Мамитов ҳамда Ҳожимурод Турсуналиев билан бирга буюртмачилар талаби асосида ўн турдан зиёд жиҳозлар тайёрлашмоқда.

Умиджон МАМАРАСУЛОВ



муш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимида ҳам иқтисодий-иқтисодий рақобатдошлигини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида қатор халқаро молия институтлари ва хорижий ҳамкорларнинг инвес-


тициялари кенг жалб этилмоқда. Натижада аграр соҳани бундан-да ривожлантириш, модернизациялаш, инфратузилма объекларини такомиллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни сув билан кафолатли таъминлаш имкони янада кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида ўтказилган “Аграр соҳада хорижий инвестициялар – барқарор ривожланиш омили” мазмунида матбуот анжуманида шулар ҳусусида батафсил сўз юритилди.

Унда таъкидланганидек, Президентимизнинг Инвестиция дастурига оид қарорлари ижроси ўз вақтида таъминланиб, вазирлик тизимида кўплаб лойиҳалар бўйича ишлар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖИЗЗАХ ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ



(Боши 1-саҳифада)

Айни вақтда корхонада битта тек ва иккита кўндаланг тегирилган мавжуд бўлиб, уларда ҳар соатда 90 тонна портландцемент ёки 45 тонна оқ цемент тайёрлаш имконияти мавжуд. Оқ цемент олиш учун оҳақтош ва бошқа аралашмаларни 1500 даражада қиздириш зарур бўлади. Портландцемент тайёрлашга эса 800-1000 даражага чаданг керак бўлади. Худуддаги Кўтарма ва Бахлик конларидеги оҳақтош захираси завод учун 150 йилга етади. Корхонанинг тоғ кон бўлими томонидан ойига ўртача 24 минг 587 метр куб оҳақтош, 15 минг 296 метр куб соз тупроқ, 2 минг 800 метр куб ганч қазиб олинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, завод имкониятларини кенгайтиришга доир жараёнлар тўхтаб қолгани йўқ. Чунки, портландцемент ишлаб чиқаришни йилга 1 миллион тоннага етказиш чоралари кўриляпти.

Айтиш жоизки, айни вақтда “Элементқурилиш” шўба корхонаси томонидан заводда кенг кўламли мураббийлик алоҳида қилинмоқда. Мавжуд двигател ва редукторларнинг қуввати оширилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш жараёни ва мутахассислар иштирок этишти, – дейди курилайётган цемент заводи дирекцияси раҳбари Ойбек Зулфаров. – Айни вақтда белгиланган вазибаларнинг 62 фоизини уйдлашга муваффақ

бўлди. Усуналарнинг 53 фоизи келтирилди. Ушбу ўзгаришлар заводда портландцемент ишлаб чиқаришни йилга 260 минг тоннага ошириш имконини беради. Шу мақсадда иккита кўндаланг тегирилган оҳақтош захираси чоралари кўриляпти. Шунингдек, портланд ва оқ цемент хаво билан ҳайдалаётган тармоқлар ҳамда хомашё етказиш берилмоқда. Мавжуд двигател ва редукторларнинг қуввати оширилмоқда. Натижада ишлаб чиқариш жараёни ва мутахассислар иштирок этишти, – дейди курилайётган цемент заводи дирекцияси раҳбари Ойбек Зулфаров. – Айни вақтда белгиланган вазибаларнинг 62 фоизини уйдлашга муваффақ

ябрь ойида бошланган қурилишни бу йил сентябрь ойида якунлашни режалаштирганмиз. Айтганча, янги бўлимимиз ишга тушган, ишқорга чидамли цемент тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди.

Заводнинг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилиши билан иш ўринлари сони тўқсонга чаданг ортади. Корхонага энг замонавий автоматлаштирилган ускуналар ўрнатилган. Хомашё келтирилишидан тортган, маҳсулот чиқиб кетгунгача бўлган жараён компьютерлашган назорат маркази орқали бошқарилади. “Ақлли” машиналар ишлаб чиқариш давомида кузатишган ҳар қандай ўзгариш ёки камчиликни зудлик билан аниқлаб, муаммони бартараф этиш чораларини кўришга ундайди. Бу жиҳат электр ёки газ сарфини камайтиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қисқаси, сифат бош мезонга айланган корхона маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда мустақам ўрин эгаллаши учун барча шароитлар мавжуд.

– Хомашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот ҳар соатда мутахассисларнинг жиҳдий текширувидан ўтади, – дейди корхона лабораторияси бошлиғи Самар Музаффаров. – Хусусан, Швейцарияда ишлаб чиқарилган “Pegform” рентген ускунаси цемент таркибидеги 11 хил уснурини қисқа муддатда аниқлаб бериш имкониятига эга. Тайёр маҳсулот ранги, таркибидеги доналар ҳажми ва микро, бирикувчанлиги, ташқи ташкир ва босимга чидамчилиги кўра синалади. Айни вақтда халқаро ИСО 9001 сифат сертификатини олиш устида иш олиб бораёмиз. Шунингдек, бетон материаллари ҳам синавдан ўтказилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жиззах цемент заводи Фориш, Галлаорол ва Зафаробод туманларидаги касб-хунар коллежлари ҳамда Жиззах политехника институти битирувчиларининг кафолатланган иш ўрни билан таъминлашни учун омил бўлди. Айни вақтда “Олмалик кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти қошидаги ўқув марказида Жиззах цемент заводининг 350 нафардан зиёд ишчи ва мутахассисларнинг малакаси оширилган.

– Фаллаорол саноат касб-хунар коллежини тамомлаб, заводнинг қадоқлаш бўлимига ишга кирдим, – дейди Сарвар Абдураҳмонов. – Коллежимиз ва завод ўртасида битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича шартнома тузилган. Бугун технология жиҳатидан нафақат республикамизда, балки жаҳондаги энг илғор корхоналардан бирида ишлаётганимдан, мамлакатимизда амалга оширилайётган кенг кўламли бунёдкорлик ишларига ўз хиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Юртимизда саноат изчил тараққий этаётганлиги боис мен каби минг-ёшлар энг замонавий корхоналарнинг ишчи ва мутахассисларига айланашгапти.

Мухтасар айтганда, вилоятда янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, мавжудларининг имкониятларини кенгайтириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда экспорт салоҳиятини кучайтиришга қаратилган илчил ишохотлар амалга оширилмоқда. Бу фикрларга цемент заводида кўрганларимиз яққол мисол бўла олади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Пойтахтимиздаги Юристар малакасини ошириш марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёрлигини замонавий билимлар асосида юксалтириш ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ЮКСАК МАЛАКА ВА МУСТАҲКАМ БИЛИМ соҳа тараққийотини таъминлашда муҳим омилдир

Унда таъкидланганидек, Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш маркази Президентимизнинг 1997 йил 25 июндаги “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиши ишини яхшилаш ҳақида”ги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 21 июлдаги қарори билан ташкил этилган бўлиб, ўтган йиллар давомида Марказ фаолиятини такомиллаштириш бўйича 10 дан ортук норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Марказнинг асосий вазифаси суд, адлия, адвокатурани идораларнинг вакиллари, корхона, муассаса ва ташкилотлар юридик хизматлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашдан иборатдир. Эътиборлиси, Марказ фаолияти йил сайин кенгайтирилиб, малака оширувчилар сони ҳам сезиларли даражада ортмоқда. Илгари бу ерда йилига ўртача 800 нафарга яқин юрист кадрлар ўз малакаларини оширган бўлса, ҳозирда ушбу кўрсаткич қарийб 3 минг нафарни ташкил этмоқда.

– Тингловчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга доир ўқув жараёнига 200 дан ортук таърибли амалиётчилар жалб қилинган, – дейди Адлия вазирлиги ҳузурдаги Юристар малакасини ошириш маркази директори Асқар Раҳимов. – Бу эса назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, илғор ўқув усулларини юридик таълим соҳасида изчил қўллаш имконини бермоқда. Айни пайтда ўқитиш жараёни “Юристар кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйилмаган давлат талаблари” асосида олиб бориляпти. Шунингдек, бугунги кунда Марказимизда судьялик номзодлар, судьялик лавозимига биринчи марта тайинланган шахсларнинг мансаб вазифини бажаришга киришишидан олдин мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилайётган ишохотлар, уларнинг таъмин-моҳияти хусусидаги тушунчаларини яна-

да бойитиш, уларни қонунчиликдаги ўзгариш ва янгиликлардан хабардор этиш, касбий кўникмаларини ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик судида тайёргарлик ҳамда амалиёт ўташининг белгиланганлиги эса одил судлов жараёнларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бундан ташқари, Марказда маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассаса ва ташкилотларнинг юридик хизмати ходимлари билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳам қатор ишлар олиб борилади. Биргина 2015 йилда уларнинг минга яқини мазкур таълим даргоҳида ўз малакаларини оширдилар.

Матбуот анжуманида малака ошириш муассасасининг халқаро алоқалари хусусида ҳам атрофлича маълумот берилди. Хусусан, БМТнинг Тараққийот дастури, ЕХҲТ, ЮНОДС, ЮНИСЕФ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан Марказ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари йил сайин кенгайтириб бормоқда. Шунингдек, АКШ, Германия, Венгрия, Словакия давлатлари таълим даргоҳлари билан икки томонлама мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган.

Жумладан, охириги икки йил мобайнида кўплаб хорижий амалиётчи судьялар ҳамда экспертлар иштирокчида 10 дан ортук халқаро учрашув ва анжуманлар ташкил этилди. 2014 йилда эса Юристар малакасини ошириш маркази Судьяларни тайёрлаш халқаро ташкилотига аъзо бўлди.

Шу билан бирга, тадбир-дуртими суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилайётган ишохотлар натижалари халқаро ҳамжамияти томонидан эътироф этилаётгани аниқ мисоллар асосида айтиш ўтилади. Соҳага оид ишлар кўлами, кўлга киритилган ютуқлар, истиқболдаги вазибалар ечимлари хусусида ахборот берилди. Иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан батафсил жавоб қайтарилди.

Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

СПОРТГА ДЎСТ ТУТИНГАН АВЛОД

(Боши 1-саҳифада)

Хусусан, 2003-2015 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан вилоятда 100 та иншоот қурилиб, фойдаланишга топширилган бўлса, уларнинг 86 таси қишлоқларда жойлашган. Ушбу мақсадларга эса 55 миллиард 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Биргина ўтган йилнинг ўзида жамғарма ҳисобидан қиймати 5 миллиард 673 миллион сўмлик олтинчи объект қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга, мазкур объектлар 128,3 миллион сўмлик спорт жиҳозлари билан таъминланди.



Шунингдек, яратилаётган шарт-шароитлар натижасида бугунги кунда вилоятда қизлар ўртасида спортнинг бадий гимнастика тури билан мунтазам шугулланувчилар сони ортди бормоқда. Шу боис, Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида гимнастика турларига ихтисослашган вилоят болалар-ўсмирлар спорт секциялари ташкил этилиб, жойларда қизларнинг спорт билан мунтазам шугулланишига барча имкониятлар яратилди.

– Сўнгги беш йил ичида бадий гимнастика спорт секциялари сони 110 тага етказилди, – дейди вилоят гимнастика федерацияси ижро-директори Баҳора Ҳамдамова. – 127 нафар аёл мураббийлар жалб

этилган. Мазкур секцияларда 5636 нафар спортчилар ҳозирда спорт билан шугулланишмоқда. Шундан 5108 нафарини қиз болалар ташкил қилган бўлиб, уларнинг 3995 нафари қишлоқ худудларида истиқомат қилади.

Ҳа, бугун бадий гимнастика билан шугулланувчилар сони 2010 йилга нисбатан қарийб 10 бараварга ошган. Фаолият олиб бораётган 127 нафар мураббийнинг 24 нафари Тошкент шаҳрида Гимнастика федерацияси томонидан ташкил этилган ўқув машғулотларида қатнашиб, ўз малакаларини ошириб келганлар ва, табиийки, бу ўз натижасини бериб, вилоят гимнастика-чи қизларининг нўфузли спорт му-

собақаларида муносиб иштирокини таъминламоқда. Шу ўринда вилоят гимнастика мактаби спортчиси Зарина Курбонова эришган ютуқларини эслашнинг ўзи қифоя. Зарина 2015 йилда учта халқаро мусобақада иштирок этиб, Осиё чемпио-натининг бронза медали ва жорий йил Бразилияда бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпиадада ўйинларининг йўлнамасини кўлга киритди.

Болалар спортининг ривожланиши ўз самарасини нафақат спорт мусобақалари натижаларида, балки ёш авлод саломатлигини мустаҳкамлашда ҳам илҳомий таъсирини кўрсатмоқда. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси мутахассислари берган маълумотларга кўра, бола-

ларнинг нафас олиш касалликлари 2003 йилга нисбатан 4,6 фоизга, суяк буғин тизими касалликлари 4,9 фоизга, томоқ-бурун касалликлари 4,8 ва эндокрин касалликлари 3 фоизга камайган. Шу билан бир қаторда, болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши яхшиланиб, 13-14 ёшдаги ўқувчиларнинг бўйи 2003 йилдаги нисбатан ўртача 4,9 сантиметр, оғирлиги 4 килограмм, кўкрак қафасининг айланаси эса 3,2 сантиметрга ўсган.

Факт ўрнида айтиш мумкинки, бугун вилоятда 800 дан ортук спорт мураббийлари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг қарийб 200 нафарини хотин-қизлар ташкил этса, шундан 160 нафари қишлоқ жойларида фаолият қилишмоқда. Улар билим ва салоҳиятига, тажрибасига таянган ҳолда баркамол авлод вакилларига спортнинг сир-асрорларидан сабоқ бериб келмоқда.

Сирасини айтганда, бугун давлатимиз томонидан берилаётган имконият, яратилаётган шароитлардан ёшларига унумли фойдаланишмоқда. Улар ўз олдига қўйган мақсадларини чуқур ҳис этган ҳолда, ўзбек фарзанди ҳеч қимдан ҳеч қачон кам эмаслигини ва кам бўлмамлигини амалда исботлашмоқда.

Темур ЭШБОЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ИНВЕСТИЦИЯ – БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТГА КАФОЛАТ

(Боши 1-саҳифада)

Жаҳон банкчи, Осиё тараққийот банкчи ва бошқа бир қатор нўфузли ташкилотларнинг маблағлари иштирокида Навоий вилотидаги “Навоий”, “Учқора”, “Конимех-1”, “Касаба”, Андижон вилотидаги “Асака-Адил”, “Раиш-Хакент-2”, Наманган вилотидаги “Кукумбой” насос станцияларини реконструкция қилинмоқда. “Бухоро”, Навоий ва Қашқадарь вилотларида ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш”, “Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш. II-босқич”, “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш”, “Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқариш лойиҳаси. Фаза-1”, “Жиззах ва Сирдарё вилотларида ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш”, “Хоразм вилотидаги Тошсоқа ирригация тизимидаги магистрал сугорилиш каналларини қайта тиклаш”, “Аму-Бухоро” машина канали тизимини тиклаш”, “Жанубий Қорақалпоғистонда сув ресурсларини бошқариш” сингари қатор лойиҳалар амалга ошириляпти.

Утган йиллар мобайнида Жиззах вилотида ҳам кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. 300 минг гектардан ортук сугорилмаган майдонлардан самарали фойдаланиш, сугорилмаган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ҳамда сув таъминотини яхшилаш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2005-2015 йилларда қиймати қарийб 31 миллион долларга тенг хорижий инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилди. Шу жумладан, Осиё тараққийот банкчи иштирокидаги кредит маблағлари ҳисоби-

дан Зомин тумани фермер ҳўжаликлари учун 16 та замонавий комбайн, 3 та экскаватор, автокран, тракторлар келтирилди. Шунингдек, тумандаги ҳўжаликлараро ва ички ҳўжалик ирригация ва дренаж тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича зовур ва ёпиқ дренажларда тозалаш, ювиш ишлари олиб борилди. Лойиҳа доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида тумандаги 3 минг гектар сугорилмаган ерларнинг сув таъминоти ва мелiorатив ҳолати яхшиланишига эришилди.



Инвестиция самарасида 1200 гектар майдонда лазерли текислаш ишлари амалга оширилди.

қолаверса, қатор халқаро молий муассасалари ва ташкилотлар иштирокида “Жиззах ва Сирдарё вилотидаги ирригация-дренаж тармоқларини тиклаш” лойиҳаси доирасида 27 миллион долларлик хорижий инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, четдан 6 донна насос агрегати келтирилди ва Дўстлик туманидаги 19 минг гектар сугорилмаган ерни сув билан тўла таъминлаш имкони юзага келди. Шунингдек, жорий йилда 2 миллион доллар маблағ эвазига вилоятда 88 км. узунликдаги “Жиззах бош коллектори”ни реконструкция қилиш ишлари яқун ясалди. Бунинг натижасида эса 86 минг гектардан зиёд сугорилмаган ер майдонининг мелiorатив ҳолати тубдан яхшиланди.

Умумдорлиги ҳам яхшиланимоқда. Вилоят деҳқонлари галла, пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинларида мўл ва сифатли ҳосил олиб, даромадларини оширишмоқда.

Вазирлиқнинг Хорижий инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳалар мониторингини бошқармаси бошлиғи А.Намозовнинг таъкидлашича, тизим бўйича 2003-2015 йиллар мобайнида 1 миллиард 310 миллион АҚШ долларлик 36 та инвестицион лойиҳа доирасида 760,4 миллион долларлик ишлар бажарилиб, 1630 дан ортук хар хил турдаги гидротехник иншоотлар, 262 километр узунликда сугорилиш тармоқлари қурилди, 274 километр узунликда ҳўжаликлараро коллекторлар, 745 километр узунликдаги ички ҳўжалик коллекторлари ва 553 километр ёпиқ-ётиқ дренажлар реконструкция қилинди. Бундан ташқари,

1200 гектарга яқин майдонда лазерли текислаш ишлари амалга оширилиб, 264 та экскаватор, 51 та бульдозер, 56 та йирек насос агрегати ва бошқалар олиб келинди.

Шунингдек, 800 га яқин фермер ҳўжаликлари ва қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига 75 миллион АҚШ долларидан зиёд имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши натижасида 1500 гектардан ортук интенсив боғ ва узумзорлар барпо этилиб, 200 гектардан кўпроқ майдонда иссиқхоналар қурилди. Умумий ҳажми 5 минг тоннадан зиёд бўлган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш цехлари, шунингдек, умумий сийми 25 минг тоннадан кўпроқ бўлган музлаткичи омборхоналар қурилди, фойдаланишга топширилди.

Айниқса, кейинги беш йил ичида хорижий инвестициялар ҳисобидан қатор йирик лойиҳалар амалга оширилди. “Ўзбекистоннинг дре-наж лойиҳаси. Жанубий Қорақалпоғистондан дренаж ўтказиш”, “Аму-Занг машина канали тизимини қайта тиклаш”, Бухоро вилотидаги “Қуйи-Мозор насос станциясини қайта тиклаш”, “Қорақўл асосий” ва “Қорақўл ёрдамчи” насос станцияларини қайта тиклаш учун насос ускуналари сотиб олиш”, “Олот асосий” насос станциясини қуриш ва “Олот ёрдамчи” насос станциясини реабилитация қилиш”, “Андижон вилотидаги “Улуғнор”, “Раиш-Хакент-1” ва “Гулбаҳор-1К” насос станцияларини қайта тиклаш” каби лойиҳалар шулар сирасидандир.

Ушбу лойиҳалар доирасида 630 минг гектардан ортук сугорилмаган ерларнинг мелiorатив ҳолати яхшиланиб, 450 минг гектардан зиёд сугорилмаган ерларни кафолатли тарзда обихайёт билан таъминлаш имкони юзага келди.

Сирасини айтганда, киритилаётган хорижий инвестициялар, мамлакатимиз агар соҳасида амалга оширилайётган кенг кўламли ишохотлар самараси ўлароқ, тармоқ хар жиҳатдан ривожланиб, такомиллашиб борапти. Қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш, ҳосилдорликни муттасил ошириб бориш йўлида барча имкониятлар ишга солинаётгани, бу аҳолининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларига бўлган эътиёжини нафақат қондириш, балки экспорт салоҳиятимизнинг тобора юксалаётганидан далолат беради.

Раимқул СҲАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Қорақалпоғистон Республикаси

“Экосан” экология ва саломатлик халқаро жамоат фонди томонидан фуқароларнинг экологик ва тиббий маданиятини ривожлантириш, кам таъминланган оилалар ва Мехрибонлик уйи тарбияланувчиларини ихтимойй қўллаб-қувватлаш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилишга қаратилган қатор тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Фонднинг Қорақалпоғистон ҳудудий ташкилотининг “Экологик таълимни ривожлантириш ва маданиятни ошириш, бу борадаги муаммоларни ҳал этишда аҳолининг турли қатламларини кенг жалб қилиш” мавзусидаги лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг гранти қолиб бўлган эди.

Лойиҳа доирасида ушбу ташкилот Қорақалпоғистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тўртқўл тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда турли тадбирларни ташкил этмоқда.

Фонднинг ҳудудий ташкилоти томонидан Соғлом она ва бола йили муносабати билан Ҳўжайли туманидаги 1-Мехрибонлик уйининг 118 нафар тарбияланувчисига қишки кийим-кечақлар топширилди. Шунингдек, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида Нўкус шаҳридаги “Тошлоқ-2” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1,1 километр узунликдаги сув тармоғини тортиш, Бериуний тумани марказида 4 километр сув тармоғини реконструкциялаш ишлари ҳам олиб борилмади. Шунингдек, Тўртқўл туманидаги Ямбошқалъа аҳоли пункти аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктига фотоэлектрик станция ўрнатиш ҳамда Нўкус шаҳар тиббиёт бирлашмаси туғурку бўлимига “ИНД-02” ва “АГД-01” тиббий ускуналарини олиб бериш режалаштирилган.

Давуд АБИБУЛЛАЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ - 2016

ОЛДИНДА ЧОРАК ФИНАЛ...

Ундаги галаба нафақат ярим финалга, балки жаҳон чемпионати ҳам йўлланма беради

Пойтахтимизда мини-футбол бўйича ўтказилаётган Осиё чемпионати гуруҳ баҳсларида Ўзбекистон терма жамоаси 9 очко тўплаб, юз фоизлик натижа билан чорак финалга чиқди.

Уйинларнинг илк баҳсида Саудия Арабистони устидан 5:2 ҳисобида галаба қозонилди. Шундан сўнг ҳамюртларимиз Киргизистон (2:1) ва Ливан (2:0) терма жамоаларига ҳам ҳеч қандай имконият қолдирмади.

Ушбу ютуқлар нафақат футбол мухлисларини, балки барча юртдошларимиз қалбини қувончга тўлдирмоқда. Уйинларда мухлисларнинг қўллаб-қувватлаши футболчиларимизнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортга, хусусан, футболга қаратилаётган эътибор натижасини бугун на-

фақат футбол майдонларидаги ютуқлардан, балки спортга иштиёқманд мухлисларнинг кўпайиб бораётганидан ҳам билиш мумкин. Хусусан, мазкур мусоқаба давомида зал мухлислар билан доимо гавжум бўлди. Қолаверса, мусобақаларни ташкил этиш борасида ҳам эътирофга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур чемпионатнинг барча учрашувлари ҳам ўзбекистонлик мухлислар билан гавжум бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ҳаттоки дунёнинг кўплаб мамлакатларида мезбон жамоа ўйнамаган уйинларда мухлислар кам учрайди. Биздачи, бизда нафақат жамоамиз бахсларида, балки ҳар бир уйинни мухлислар диққат билан кузатиб боришмоқда. Бу юртимиздаги тинч, фаровон ҳаётнинг ҳамда тадбирларни кўнгилдагидек ташкил этиш самараси, албатта.



Энди ҳамюртларимиз 17 февраль кунин Осиё чемпионатининг чорак финалида "В" гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган ироқлик футболчиларга қарши майдонга тушади. Терма жамоамиз ушбу ўйинда галаба қозонса, нафақат ярим финалга, балки жаҳон чемпионати ҳам йўлланма киритади.

Бу ўйинда ҳам терма жамоамизга омад тилаймиз. Унда ҳам, футбол тили билан айтганда, "ўн учинчи ўйинчи" - мухлисларнинг иштироки фаол бўлади. Ахир улар ҳам галабани кутишмоқда.

Жалолiddин ЭШНИЁЗОВ

○ Реклама ва эълонлар

Хуррамли юрмдошлар!

«Асака» банк

2016 йилнинг мамлакатимизга «Соғлом она ва бола йили» деб номланган муносабати билан қўйидаги миллий Валютадаги мугдатли янги омонат турини тақдир этади:

«СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА»

Ушбу омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 27 турдаги ва хорижий валютада 17 турдаги қўлай шартларда омонат турларини тақдир этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

ФИЛИАЛЛАР	ТЕЛЕФОН	ФИЛИАЛЛАР	ТЕЛЕФОН
Тошкент шаҳар филиали	(371) 120-83-13	Наманган вилояти филиали	(369) 227-15-68
Автотранспорт филиали	(371) 120-39-95	Навоий вилояти филиали	(436) 770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	(371) 140-39-36	Зарафшон филиали	(436) 572-40-14
Юнусобод филиали	(371) 221-80-67	Бухоро вилояти филиали	(365) 572-05-19
Сирғали филиали	(371) 257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	(365) 770-11-27
Тошкент вилояти филиали	(371) 120-84-13	Самарқанд вилояти филиали	(366) 233-65-47
Анджон вилояти филиали	(374) 223-60-74	Афросиёб филиали	(366) 221-71-76
Асака филиали	(374) 233-21-99	Қашқадарё вилояти филиали	(375) 221-07-41
Фарҳод филиали	(374) 226-96-63	Сурхондарё вилояти филиали	(376) 770-82-12
Фарғона вилояти филиали	(373) 244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	(361) 770-60-59
Марғилон филиали	(373) 237-62-23	Хоразм вилояти филиали	(362) 228-14-81
Олтиариқ филиали	(373) 432-19-80	Сирдарё вилояти филиали	(367) 225-44-03
Қўқон филиали	(373) 542-61-01	Жиззах вилояти филиали	(372) 226-43-11

○ Реклама ва эълонлар

МАХАМ-ЧИРЧИҚ

АДЎ – ASN (аммиакли селитра ва олтингурутли) ўғитининг тақомиллаштирилган тури ҳисобланади. Азотли-олтингурутли ўғитларни қишлоқ хўжалигида қўллаш юқори агрокимёвий ва иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, бошқа дондор азотли ўғитлардан фарқ қилади. Унинг таркибиде азотнинг нитратли ва аммоний турлари ҳамда сувда эрувчан олтингурут мавжуд. Бу эса ўсимликларнинг нафақат тез ўсишини, балки ҳашарот ва зараркундаларга чидамлигини оширади. Қолаверса, олтингурутли ўғитлар тупроқдаги орттиқ ишқорни камайтиради, нейтраллаштирилади, қийин эрувчи фосфатларнинг ўзлаштирилишини оширади, Са, К, Mg, Fe моддаларининг эрувчанлигини кучайтиради.

Янги МАХСУЛОТ

АЗОТ - ОЛТИНГУРУТЛИ ЎҒИТ

ТАРКИБИДА 25% АЗОТ ВА 18% ЎСИМЛИК ЎЗЛАШТИРАДИГАН ОЛТИНГУРУТ МАВЖУД

«Махам-Чирчиқ» АЖ
Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри
Тошкент кўчаси 2-уй. 111708
Тел: (+99870) 719-35-08,
(+99870) 719-32-22,
(+99870) 719-33-23,
Факс: (+99870) 716-45-57,
(+99870) 715-32-29,
(+99870) 716-40-79.
E-mail: pr@maxam-chirchiq.uz,
www.maxam-chirchiq.uz

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

ҚОРАМОЛ ЕТИШТИРУВЧИ, ШУНИНГДЕК, БАРЧА ЧОРВАЧИЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ХУЖАЛИКЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЗАНГИОТА ТУМАНИДАГИ «ТО‘ХТАНИЎЗ-ОТА» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

барча қорамол етиштирувчи хўжаликлардан чекланмаган микдорда келишилган нархларда пул ўтказиш йўли билан қорамол сотиб олади.

МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
(+99871) 150-11-97, (+99898) 303-41-15,
(+99898) 366-19-46.

Гувохнома № 0248

Тошкент давлат юридик институти томонидан 1993 й. да Эгъамов Жобир Файзуллоевич номига берилган № 014936 рақамли дипломнинг иловаси йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Юнусобод т. БТИ томонидан Ц-5 2 А уй 36-хондон учун Шарқова Санида Имадеевна номига берилган уй қилини йўқлигини сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Олмазор т. ҳокимлиги ТСРҲИда (ростр № 005943-05, 20.06.2012 й.) рўйхатга олинган «METALLIMPEKS KONSTRUKSIYA» МЧЖнинг (СТПР 302329576) фаолияти 11.02.2016 й.даги 1-сонли қарорига асосан (630-қарор билан ихтиёрий) тугатилади. Манзил: Олмазор т. Янги Олмазор кўч. 51-уй. Давоилар 2 ой мобайнида 992-71-02 тел. рақами орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРҲИда (16.10.2015 й., ростр № 008633-01) рўйхатдан қайта ўтган «ELDOR PHONE» МЧЖнинг (СТПР 302992173) Устав фонди 350 000 000 сўмдан 17 200 000 сўмгача камайтирилади.

«PREMIUM RENTAL» ХК (СТПР 302952998) ташкилий-хуқуқий шакли «PREMIUM RENTAL» МЧЖга ўзгартирилади.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСРҲИ қарори билан рўйхатга олинган «BIRJASERVIS» МЧЖнинг Устав фонди 125 912 806 сўм 72 тийиндан 90 912 806 сўм 72 тийинга камайтирилади.

«MAXLAS» МЧЖнинг (СТПР 201632838) мақоми «MAXLAS» ХКга ўзгартирилади. «MAXLAS» МЧЖнинг барча хуқуқ ва мажбуриятлари бўйича «MAXLAS» ХК жавоб беради.

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- «Беларусь» тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Турли моделдаги шиналар
- Занжирилик экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-Ц
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2

Махсулотлар сертификатланган.

Т.: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

LADA

UAZ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113-уй.
Мўлжал: Жанубий вокзал.
Телефонлар: (+998 71) 215-09-11, (+99890) 174-26-36.
www.sardor-avto.uz

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

Махсулотлар сертификатланган
Хизматлар лицензияланган

АГРОТЕХНИКА

техникани лизингга берамиз

ПROMZONA

- ▶ Беларус 80X ~ Беларус 82.1
- ▶ Беларус 1025 ~ Беларус 1221.1
- ▶ Боғ ва ферма учун тракторлар
- ▶ Картошка терадиган комбайн
- ▶ Ғўзаяпоқ ўрадиган комбайн
- ▶ Ўт ўрадиган комбайн
- ▶ Дори сепадиган мосламалар
- ▶ Сомон йиғувчи мосламалар
- ▶ Сачратиб сўғорувчи мосламалар
- ▶ Культиваторлар
- ▶ Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- ▶ Экскаватор погрузчик, бульдозер
- ▶ Канавокапатель, ямобур
- ▶ Аккумулятор, генератор
- ▶ Фильтр, мотор мойлари
- ▶ Сут соғадиган аппарат
- ▶ Мини тегирмон
- ▶ Ём майдалаб тарқатувчи техника
- ▶ Минерал ўғит ва кимёвий моддалар
- ▶ Прессподборщик
- ▶ Мотоблок
- ▶ Чизель
- ▶ Борона
- ▶ Косилка КИР 1,5
- ▶ Картошка экадиган комбайн
- ▶ Бугдой экадиган сеялка
- ▶ Пахта экадиган сеялка

(+99871) 280-00-71
(+99871) 280-00-72
sales@promzona.uz
www.promzona.uz

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-иқтисодий тартибдаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗОҚОВ, Соҳибжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ, Яшин ХИДИРОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОИЛОВ, Абдиқабил ТАМИКАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва хуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-76-78, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: Андижон (+99893) 630-73-03; Бухоро (+99891) 401-29-59; Жиззах (+99893) 940-00-27; Навоий (+99894) 374-77-62; Наманган (+99893) 948-53-86; Фарғона (+99890) 407-76-03; Самарқанд (+99893) 994-57-08; Сирдарё (+99894) 168-23-60; Сурхондарё (+99890) 519-86-50; Тошкент (+99890) 976-39-58; Хоразм (+99890) 438-71-25; Қашқадарё (+99891) 635-08-03.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 236-26-50, 233-28-04.

Набатчи муҳаррир: О.Очилов
Мусаҳҳих: М.БОБОМУХАММЕДОВА
Дизайнер: Н.ТЕМИРОВ